



Халқ сўзи

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2026 йил 4 август, № 157 (9328)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



НЕФТЬ-ГАЗ ТАРМОҒИДАГИ ИШЛАР ҲОЛАТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга 3 август куни «Ўзбекнефтегаз» акциядорлик жамиятининг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти ва йил якунига қадар устувор вазифалари юзасидан ҳисобот берилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида жамият томонидан 11,5 миллиард куб метр табиий газ қазиб чиқарилди. Айни пайтда нефть, дизель ёнилгиси, авиакеросин ва суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажми прогноз кўрсаткичларидан юқори бўлди.

Йил якунига қадар 1 миллион 100 минг тонна автобензин, 983 минг тонна дизель ёнилгиси, 310 минг тонна авиакеросин, 606 минг тонна суюлтирилган газ ва қарийб 1 миллион 180 минг тонна синтетик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Дунёдаги геосиёсий вазият кескинлашиши натижасида Марказий Осиё йўналишида авиақатновлар сони ортиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистонга амалга оширилаётган рейслар сони 2025 йилдагига нисбатан кўпайган. Жорий йил июль — декабрь ойларида авиакеросинга бўлган талаб 375 минг тоннани ташкил этиши, яъни ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 27 фоизга ўсиши кутилмоқда. Унинг асосий қисми маҳаллий нефтни қайта ишлаш заводлари ҳисобидан қoplanади.

Шу билан бирга, айрим ҳамкор мамлакатларда нефть маҳсулотлари экспортга чекловлар жорий этилгани сабабли муқобил манбалардан, жумладан, Грузия, Ироқ ва бошқа давлатлардан авиакеросин импорт қилиш йўлга қўйилди.

Геология-қидирув ишларининг сифати ва ҳажмини ошириш мақсадида “Ўзбек-геофизика” акциядорлик жамиятини модернизация қилиш режалари ҳақида ҳам ахборот берилди. Кон-геофизика ускуналарини янгилаш ва замонавий дала “3D” сейсмик мажмуасини харид қилиш учун 38,8 миллион доллар йўналтириш кўзда тутилган.

Шунингдек, хорижий компаниялар, хусусан, АҚШнинг “Schlumberger” компанияси билан ҳамкорликда сейсмик маълумотларни қайта ишлаш марказини ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилаётгани маълум қилинди. Марказда замонавий суперкомпьютер мажмуаси ўрнатилади, янги дастурий таъминотлар харид қилиниб, сейсмик тадқиқотларда сунъий интеллектдан кенг фойдаланиш йўлга қўйилади.

Мазкур тадбирлар ҳисобига йиллик “3D” сейсмик тадқиқотлар майдони 1 минг 800 квадрат километрдан 5 минг квадрат километрга, ўрганиш чуқурлиги эса 4,5 минг метрдан 8 минг метрга етказилади. Тайёрланадиган истиқболли геологик тузилмалар сони 19 тадан 30 тага ошади.

Қудуқлар қурилишида юқори ҳарорат ва босимга чидамли материаллар, ультратовушли каротаж, реал вақт режимда геофизик назорат ҳамда горизонтал бургилаш технологияларини жорий этиш чоралари белгиланган. Бу мураккаб геологик шароитларда қудуқлар ишончилигини ошириш, маҳсулдор қатламлардан самарали фойдаланиш ва юқори дебитга эришиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини нефть маҳсулотлари билан барқарор ва узлуқсиз таъминлаш чораларини кўриш бўйича топшириқлар берди.

Шунингдек, тармоқ корхоналарини технологик янгилаш, энергия самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва белгиланган чоратадбирлар ижросини қатъий назорат қилиш вазифаси қўйилди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН – УМУМИЙ КЕЛАЖАКНИ БИРГАЛИКДА БАРПО ЭТАЁТГАН ИТТИФОҚЧИ ДАВЛАТЛАР

Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий ва геоиқтисодий харитасида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар алоҳида, стратегик ўрин тутати. Асрлар давомида ягона дўстлик, маданият, тил ва диний қадриятлар билан боғланган бу икки халқ бугунги кунда ўз тарихидаги энг юқори, мутлақо янги ривожланиш босқичини бошдан кечирмоқда.

Сўнгги йилларда ушбу давлатлар раҳбарларининг юксак сиёсий иродаси туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги кўп йиллик ечилмай келинган чегара ва сув-энергетика билан боғлиқ масалалар буткул барҳам топди. Энг муҳими, совуқ ва чекланган муносабатлар ўрнини ишонч, прагматизм, ўзаро манфаат ва чин қардошликка асосланган стратегия эгаллади.

■ Нуқтаи назар

Юксак сиёсий ирода ва дипломатик маҳорат эътирофи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикасига амалга оширган бу галги давлат таширфи давомида эришилган аҳдномалар ва келишувлар, давлатимиз раҳбарининг Қирғиз Республикасининг олий давлат мукофоти — I даражали «Манас» ордени билан тақдирланиши бутун минтақа тарихида чуқур маънога эга тарихий ҳодиса бўлди.

Қирғиз давлатчилиги ва маданиятида «Манас» шунчаки эпос эмас, балки жипслик, мардлик, доғишмандлик ва мустақиллик рамзи саналади. Қирғизистон ўз миллий гуруҳининг тимсоли бўлган ушбу олий орденнинг I даражасини хорижий давлат раҳбарига бе-

риши расмий Бишкек томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган энг юқори мақомдаги эҳтиром ва чексиз ишончнинг юксак ифодасидир. Мазкур мукофот сўнгги йилларда олиб борилган жасоратли ва прагматик сиёсатнинг эътирофи, десак, янглишмаймиз. Узоқ йиллар давомида ҳал этилмай келинган чегара муаммоларига тўлиқ нуқта қўйилгани, сув-энергетика масалаларида ўзаро манфаатли муроасага эришилгани ва пировардида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзолангани айнан Ўзбекистон раҳбарининг сиёсий иродаси ва дипломатик маҳорати туфайли рўй берди.

Шавкат Мирзиёев 2016 йилда ҳокимиятга келганида ташқи сиёсатда Марказий Осиё давлатлари, хусусан, қўшнилари билан муносабатларни тубдан яхшилашни усту-



вор вазифа қилиб белгиланган эди. I даражали «Манас» ордени топирилиши Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган «Марказий Осиё руҳи» ва ахил қўшничилик концепцияси тўлиқ амалга ошиб, минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит шаклланганини кўрсатади.

Ушбу мукофот фақат давлатимиз раҳбарига эмас, балки азалий дўст, қардош ва қўшни бўлган бутун Ўзбекистон халқига кўрсатилган юксак эҳтиром рамзи ҳамдир. Бу қадим икки халқ ўртасидаги дўстлик, меҳр-оқибат ва маданий-гуманитар ришталарни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Қолаверса, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги баҳс-мунозаралар ва совуқлик даври бутунлай ортда қолганини, ўртада мутлақ ишонч қарор топганини ва икки

давлат мустаҳкам иттифоқчи сифатида умумий келажакни биргаликда барпо этаётганини бутун дунёга намоиш қилган тарихий муҳр бўлди.

Давлатлараро алоқаларнинг энг юқори поғонаси

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров томонидан Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома, шунингдек, 12 та тарихий ҳужжат имзолангани ва алмашилгани икки мамлакат ўртасидаги кўп йиллик муаммолар ҳолатларга тўлиқ барҳам берган ва умумий келажакнинг ҳуқуқий пойдеворини яратган тарихий пакет бўлди дейиш мумкин.



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни таълим ва ижтимоий хизматлар билан қамраб олиш, муайян яшаш жойига эга бўлмаган ҳамда одам савдосидан жабрланган шахсларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, имтиёзли транспорт хизматларини рақамлаштиришга қаратилган таклифлар тақдмоти билан танишди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, эҳтиёжманд фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлаш ва соҳага нодавлат секторини жалб этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги уч йилда ижтимоий хизматлар сони 23 тадан 140 тага етди. Хар йили ўртача 4,6 миллионга, жумладан, маҳалла даражасида қарийб 2 миллионга ижтимоий хизмат кўрсатилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ногиронлиги бўлган 168 мингдан ортиқ бола-

лар бор. Уларнинг 133,8 минг нафари таълим ва ижтимоий хизматлар билан қамраб олинган. Яна 34,6 минг нафар болани таълимга жалб этиш зарур.

Бунинг учун ижтимоий ходимлар иштирокида оилабай ишлаш тизими йўлга қўйилади. Хар бир боланинг эҳтиёжлари эрта босқичда ва комплекс баҳоланиб, унга мос таълим муҳити ҳамда зарур хизматлар белгиланади. Янги баҳолаш механизми 2026 йил 1 октябрдан Хоразм ва Навоий вилоятларида тажриба тариқасида жорий этилади.



Ўрганиш

ҲУДУДЛАР ОБОДЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Аввал хабар берганимиздек, 30-31 июль кунлари Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги ишчи гуруҳ Навоий вилоятида ўрганиш ишларини олиб борди.

Дастлаб ишчи гуруҳ Зарафшон шахри маҳаллаларида амалга оширилаётган ислохотлар, жамоат хавфсизлигини ҳамда аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳалар билан танишди.

“Долзарб 40 кунлик” тадбирлари доирасида Наврўз маҳалласида бўлиб, “маҳалла еттилиги” фаолияти ва ҳудудда олиб борилаётган ишлар кўздан кечирилди.

Учрашувда аҳоли муаммоларини манзилли ҳал этиш, электр ва газ таъминоти барқарорлигини узлуқсиз йўлга қўйиш, энергия ресурслари йўқотишларини қисқартириш, куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик, зарур моддий-техник захираларни шакллантириш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди. Бу йўналишлардаги ишлар устидан парламент ва депутатлик назоратини кучайтириш муҳимлиги айтилди.

Маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, микролойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш,

ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини ошириш ва давлат хизматларини аҳолига янада яқинлаштириш борасида қилинаётган ишлар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўрганишлар доирасида ишчи гуруҳ Қурувчи маҳалласидаги “Олтин тож” истироҳат боғи ҳудудида ташкил этилган ва туну кун фаолият юритувчи “Ёшлар сайилгоҳи” кўчасида бўлди.

Мазкур лойиҳа 2025 йилда “Драйвер лойиҳалар” дастури доирасида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилган. Бугунги кунда бу ерда 50 та савдо ва хизмат кўрсатиш объекти фаолият юритиб, 100 нафар фуқаронинг доимий бандлиги таъминланган.

Ҳудудда футбол майдони, скейт манзилчаси, катта теннис корти, пиёдалар йўлаклари, замонавий ёришш тизимлари, дам олиш масканлари ва автотураргоҳлар барпо этилган. Шунингдек, сайилгоҳ электр энергияси, ичимлик суви ва канализация тармоқларига уланган.



Фракциялар ҳаёти



ДЕПУТАТЛАР ХАЛҚЧИЛ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор масалалар, жумладан, қўйилган палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофича кўриб чиқилди.

Интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш жараёни соддалаштирилади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимизнинг Қирғиз Республикасига давлат таширфи ҳамда Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг норасмий Маслаҳат учрашувидagi иштирокнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар Чўлпонота шахрида бўлиб ўтган мазкур учрашув минтақа ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган муҳим мулоқот майдони бўлганлигини қайд этишди. Саммит якунида қабул қилинган Чўлпонота декларацияси эса Марказий Осиё ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиши таъкидланди.

Йиғилишда “Интеллектуал мулк объектларининг фуқаролик муомаласидаги айланмаси оширилиши ва патент вакилларининг ҳуқуқлари кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда интеллектуал мулк объектлари ҳимояси, улардан самарали фойдаланиш ва креатив иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий тизим изчил такомиллаштирилмоқда. Ушбу қонун лойиҳаси билан бир қатор кодекс ва қонунларга интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини соддалаштириш, уларнинг мулкый ҳуқуқларидан гаров сифатида фойдаланиш имкониятларини ошириш, шунингдек, патент вакилларининг ваколатларини кенгайтиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳасининг аҳамияти, айни чоғда заруратига алоҳида тўхтади. Ундаги айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар берилди. Қонун ташаббускорлари кўтарилган масалалар юзасидан батафсил тушунтиришлар бериб ўтди.



ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ ҲАЖМИ ЎСМОҚДА

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2026 йилнинг январь — июнь ойларида Ўзбекистонда транспорт хизматлари ҳажми 103,9 трлн. сўмни ташкил этди.

Транспорт хизматлари ҳажмининг турлари бўйича таркиби куйидагича:

автомобиль транспорти — **52,5** %;

ёрдамчи транспорт фаолияти — **15,1** %;

ҳаво транспорти — **14,4** %;

темир йўл транспорти — **9,5** %;

қувур транспорти — **8,5** %.



Акс садо

САМАРАДОРЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК — АСОСИЙ МЕЗОН

Энергетика хавфсизлиги ҳар қандай давлатнинг барқарор тараққиётини таъминловчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Зеро, ишончли ва узлуксиз энергия таъминоти иқтисодиётнинг барча тармоқлари ривож, sanoat салоҳиятининг юксалиши, аҳоли фаровонлиги ва мамлакатнинг стратегик барқарорлиги билан бевосита боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари раислигида ёқилғи-энергетика тармоғидаги келгусидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видео-селектор йиғилиши мамлакатимиз энергетика тизимини янги босқичга олиб чиқиш, унинг самарадорлиги ҳамда барқарорлигини янада оширишга қаратилган муҳим қадам бўлди.



Айниқса, унда электр ҳамда газ таъминоти билан боғлиқ ишларни туманбай ва маҳаллабай ташкил қилиш бўйича янги тизим белгилаб берилгани, шубҳасиз, ҳар бир ҳудуднинг эҳтиёж ва муаммоларини манзилли ўрганиш, уларни жойида тезкор ҳал этиш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширади. Энг муҳими, бу орқали электр ва газ тармоқларидаги носозликлар ўз вақтида бартараф этилиб, аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари электр энергияси билан барқарор таъминланади.

Ҳар бир ҳудуднинг аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва ижтимоий объектлар кесимида энергия истеъмоли баланси шакллантирилиши эса энергия ресурсларига ҳақиқий эҳтиёжни аниқ белгилаш, мавжуд қувватларни тўғри режалаштириш ва улардан самарали фойдаланишга туртки беради. Асосийси, бу билан энергия йўқотишларини камайтириш, ортқича сарф-харажатларини қисқартириш ва тизимнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкони яратилади.

Йиғилишда энергетика тармоғида рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Чунки рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни қўллаш орқали электр ва газ тармоқларидаги ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмолад жараёнларини реал вақт режимида мониторинг қилиш, авария ва носозликларни олдиндан аниқлаш, энергия йўқотишларини камайтириш имконияти кенгайди.

Бу борада Энергетика вазирлиги таркибида Ёқилғи-энергетика тармоғини рақамлаштириш ва сунъий интеллектни жорий этиш марказининг ташкил қилиниши, аввало, рақамли трансформацияни тизимли йўлга қўйиш, замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект ёчимларини кенг жорий этишга хизмат қилиши билан аҳамиятга эга. Ушбу марказ “ишлаб чиқариш — узатиш — тақсимлаш — етказиш” занжирини тўлиқ таҳлил этиб, соҳани ривожлантиришнинг муқobil сценарийларини ишлаб чиқади. Бу эса энергетика тизимининг шаффофлиги, самарадорлиги ва ишончлигини ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини сифатли, барқарор энергия таъминоти билан таъминлаш учун мустаҳкам замин яратяди.

Қайд этиш жоизки, бугун энергетика соҳасини замонавий фикрлайдиган ва юқори малакали кадрларсиз ривожлантириб бўлмайди. Шу сабабли инсон капиталига инвестиция киритиш, ёш мутахассисларни сифатли тайёрлаш ва уларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш тармоқдаги ислохотларнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Энергетика соҳаси учун билим ва кўникмаларга эга кадрлар тайёрлаш тармоқни малакали мутахассислар билан таъминлаш, олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш ва замонавий технологияларни кенг жорий этишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Албатта, ҳозир 25 та техника олийгоҳида энергетика йўналишида йилгига 5,5 минг мутахассис тайёрланмоқда. Лекин таълим амалиёт билан етарлича боғланмагани сабабли битирувчининг ишга киришиб кетишига 2-3 йил вақт кетаяпти. Шу жиҳатдан, олий таълим муассасаларидаги ёқилғи-энергетика йўналишлари бўйича таълим дастурларини тўлиқ янгилаш, лаборатория ва полигонларни замонавий талабаларга мослаштириш соҳа учун эҳтиёжларга жавоб берадиган, юқори малакали ва амалий кўникмаларга эга мутахассислар тайёрлашга имкон яратяди.

Йиғилишда белгиланган устувор вазифаларнинг сифатли амалга оширилиши эса электр энергияси ва табиий газ таъминотининг барқарорлигини кафолатлашга хизмат қилади. Биз, депутатлар бу борадаги вазифаларнинг ижросини самарали таъминлашда, албатта, фаол бўлишимиз лозим.

Наргиза САЛОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Газначилик:

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БОШҚАРУВ САРИ ИЗЧИЛ ҚАДАМ

Бугун дунёда давлатлар тараққиётини баҳолашда иқтисодий ўсиш суръатлари ва инвестициялар ҳажми билан бирга, давлат бошқарувининг очиклиги, у қанчалик самарали ташкил этилгани ва рақамлаштирилган ҳам асосий мезонлардан бирига айланган. Давлатимиз раҳбари таъкидлагандек, рақамлаштириш — бу шунчаки янги технология эмас, балки бошқарув сифатини мутлақо янги босқичга олиб чиқадиган восита. Ана шу ҳаётий эҳтиёжлардан келиб чиқиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Газначилик қиммати қўмитаси ҳам такомиллашиб бормоқда.

Фармон ва ижро

Ҳуқуқий асос

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, улар алоҳида соҳаларни эмас, балки давлат бошқарувининг бутун тизимини янгилашга қаратилган. Бу жараёнда давлат молиясини бошқариш алоҳида ўрин тутяди. Чунки ҳар қандай янгилик ва ўзгаришларнинг муваффақияти, аввало, давлат маблағларининг қанчалик самарали ва манзилли бошқарилишига боғлиқ.

Президентимизнинг 2025 йил 26 июндаги “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Газначилик қиммати қўмитаси ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жағмармаси томонидан замонавий хизматларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазкур соҳада мутлақо янги босқични бошлаб берди. Бошқача айтганда, соҳани такомиллаштириш ва рақамлаштиришга стратегик ёндашувнинг мантиқий давоми бўлди.

Дарҳақиқат, мазкур ҳужжатда Рақамли газначилик платформасини яратиш, электрон хизматларни кенгайтириш, сунъий интеллект ва “Business Intelligence” технологияларидан фойда-

ланган ҳолда маълумотларни таҳлил қилиш, ликвидликни таъминлашда қисқа ва узоқ муддатли прогнозларни ишлаб чиқиш ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида газначилик операцияларини амалга оширишда инсон омиллини камайтириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Булар давлат молиясини бошқаришни янги сифат босқичига олиб чиқишга хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга молик.

Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ қилинаётган шу каби ҳар бир рақамли ечим замирида инсон манфаати, адолат ва шаффофлиқни таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Шу боис электрон чек тизими, автоматлаштирилган молиявий назорат ёки сунъий интеллект асосидаги таҳлиллардан кўзланганг пировард натижа ҳам, аввало, инсон учун қулай, тезкор ва ишончли давлат хизмати яратишдир.

Газначилик тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг ана бир муҳим жиҳати шундаки, улар давлат молиясига нисбатан муносабатни ҳам



ўзгартирмоқда. Агар илгари газначилик, асосан, тўловларни амалга оширувчи механизм сифатида қаралган бўлса, бугун у давлат маблағларининг ҳаракатини таҳлил этадиган, хавфларни олдиндан баҳолайдиган ва стратегик қарорлар қабул қилинишига асос яратадиган интеллектуал бошқарув марказига айланмоқда.

Бу ўзгаришлар таг заминиди “Иқтисодий ислохотлар инсон кадрлари учун” деган ғоя ётибди. Чунки бюджет маблағларининг тежалиши — бу қўшимча қуриладиган мактаб, замонавий шифохона, таъмирланадиган йўл ёки аҳоли фаровонлигига йўналтириладиган янги имконият, дегани. Шу тариқа газначиликдаги ҳар бир рақамли янгилик самараси одамлар ҳаётида намоён бўлаётир.

Қоғоз чеклар даври ўтмишга айланыпти

Яқин йилларгача бюджет ташкилотларида нақд маблағларни олиш жараёни қўлаб қoғoз ҳужжатлар, тасдиқлаш босқичлари ва вақт талаб қилувчи амаллар билан кечар эди. Ҳар бир чекни расмийлаштириш учун ходимлар турли идораларга қатнар, ҳужжатлар қўлда текширилар, маълумотлар бир неча марта қайта киритилар эди. Бу эса ортқича вақт сарфига, инсон омилли таъсирига ва қoғoзбoзликка олиб келарди. Бугун эса вазият мутлақо ўзгарди.

2026 йилдан бошлаб бюджет ташкилотлари томонидан нақд маблағлар учун қoғoз чеклар тўлиқ бекор қилинди. Эндilikда “UzASBO” дастурий мажмуаси орқали электрон чеклар шакллантири-

либ, тўғридан-тўғри газначилик орган-ларига онлайн юборилмоқда. Газначилик мутахассислари ҳужжатларни электрон шаклда қўриб чиқади. Тасдиқланган маълумотлар автоматик равишда Марказий банк орқали хизмат кўрсатувчи тижорат банкларига етказилади. Натижада илгари бир неча соат, айрим ҳолларда бир неча кун давом этган жараёнлар бугун бир неча дақиқада бажари-лмоқда. Пировардида инсон омилли сезиларли даражада қисқарди. Давлат хизматининг сифати эса янада ошди.

Иқтисодий нуктаи назардан, мазкур тизимнинг биринчи самараси маъмурий харажатларнинг қисқаришида кўзга ташланади. Яъни қoғoз, бoсма маҳсулотлар, архивлаштириш, ҳужжатларни ташшиш ва сақлаш билан боғлиқ харажатлар сезиларли даражада камайди. Давлат маблағларининг тежалиши эса бюджет ресурсларини янада самарали йўналтириш имконини берамоқда.

Иккинчи муҳим натижа — меҳнат унумдорлигининг ошishi. Илгари техник жараёнларга сарфланган вақт эндиликда таҳлил, молиявий назорат ва режалаштириш каби вазифаларга йўналтирилмоқда.

Учинчи жиҳат — шаффофлик ва молиявий интизомнинг кучайиши. Электрон чеклар ҳар бир операция бўйича рақамли маълумотларни автоматик тарзда қайд этади. Бу эса маблағлар ҳаракатини реал вақт режимида кузатиш, молиявий хатоларнинг олдини олиш ва инсон омилли таъсирини минималлаштиришга имкон яратяди. Натижада давлат маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш даражаси янада ошади.

Тўртинчи муҳим самара — коррупция хавфининг пасайиши. Жараёнларнинг автоматлаштирилиши орқали ортқича қўл меҳнати, субъектив қарор қабул қилиш ҳолатлари ва ҳужжатларни сунъий кечиктириш эҳтимоли кескин камайди. Бу эса давлат молиясини бошқаришда очиклик ва ҳисобдорлик тамойилларини янада мустаҳкамлайди.

Электрон чек тизимининг яна бир афзаллиги — маълумотлар интеграцияси. Газначилик, Марказий банк, тижорат банклари ва бюджет ташкилотлари ўртасидаги маълумот алмашинуви ягона рақамли муҳит орқали амалга оширилиши бошқарув қарорларини тезкор ва ишончли маълумотлар асосида қабул қилиш имконини берапти.

Бугунги кунда дунё тажрибаси ҳам шуни кўрсатмоқдаки, давлат молиясини рақамлаштириш иқтисодий ўсишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда электрон чек тизимининг жорий этилиши ҳам ана шу глобал тенденцияларнинг амалий фодоси бўлиб, давлат молиясида тезкорлик, тежамкорлик ва самарадорлиқни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шу маънода, электрон чек — бу оддий электрон ҳужжат эмас. У давлат молиясини бошқаришда янги ёндашув, бюджет маблағларидан фойдаланишда очиклик ва самарадорлиқни таъминловчи муҳим рақамли механизм. Бу тизим келгусида сунъий интеллект, катта маълумотлар (“Big Data”) ва прогноз таҳлиллари билан уйғунлашиб, мамлакатимизда замонавий рақамли газначилик моделини шакллантиришга йўл очиши, шубҳасиз.



тахкам пойдевори айнан иқтисодий ва савдо кўрсаткичларида намоён бўлмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми деярли 10 баробар ошди. Эришилган муваффақиятлар билан чекланиб қолмаган ҳолда, давлат раҳбарлари яқин йилларда ўзаро савдо ҳажмини 3 миллиард долларга етказиш вазифасини қўйди. Бунинг учун савдодаги тариф ва нотариф тўсиқлар тўлиқ олиб ташланади, чегараолди савдо зоналари ва саноат кооперацияси марказлари («Марказий Осиё-каби») кенгайтирилади, фитосанитария ва боғжона тартиб-таомиллари соддалаштирилади. Бундан ташқари, икки мамлакат ҳукуматлари ва бизнес вакиллари томонидан устувор соҳаларда янги йирик ишлаб чиқариш ва кооперация лойиҳалари келишиб олинди.

Биринчидан, энергетика ва электротехника соҳасида. Маиший техника, трансформаторлар ва кабель маҳсулотларини биргаликда ишлаб чиқариш ва учинчи давлатлар бозорига олиб чиқиш белгиланди.

Иккинчидан, фармацевтика йўналишида дорихона ва тиббиёт маҳсулотларини қўшма корхоналар орқали маҳаллийлаштиришга келишиб олинди.

Учинчидан, қишлоқ ҳўжалигида мева-сабзавот, гўшт ва сўт маҳсулотларини қайта ишлаш ва кластер тизимини жорий этиш тасдиқланди.

Тўртинчидан, тўқимачилик соҳасида Қирғизистон (хусусан, Ўш ҳамда Жалолобод вилоятлари) ва Ўзбекистон вилоятлари ўртасида тўқимачилик кластерларини барпо этиш, тикувчилик фабрикалари очишга аҳдлашиб олинди.

Чегараолди ва вилоятлараро алоқаларни жонлантириш максатидида йил якунига қадар Ўзбекистонда янги форматдаги биринчи Ҳудудлар форуми ўтказилади. Бу форум икки мамлакат вилоят ҳокимликлари ва маҳаллий тадбиркорларни тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун ягона майдонга бирлаштиради.

Биргаликдаги стратегик лойиҳалар

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ҳамкорлик фақатгина икки томонлама муносабатлар билан чекланиб қолмай, бутун Евроосиё қитъасининг транспорт ва энергетика харитасини ўзгартирадиган глобал лойиҳаларни қамраб олади. Хусусан, кўп йиллар

давомида қoғoзда қолиб кетаётган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишининг реал босқичга ўтгани минтақанинг таърихий муваффақиятидир. Ушбу темир йўл Хитойдан Европага ва Яқин Шарққа олиб борадиган энг қисқа ҳамда арзон транспорт йўлагига айланади. Расмий Тошкент ва Бишкек темир йўл бўйлаб биргаликда замонавий савдо-логистика марказлари, бекатлар, терминаллар ва боғжона омборларини ривожлантиришга келишиб олди. Бу икки давлатга транзитдан миллиардлаб доллар даромад келтириши мўқаррар.

Марказий Осиёдаги энг йирик гидроэнергетика иншоотларидан бири бўлган «Қамбарота ГЭС-1» қурилиши бўйича битимни имзолаш жараёнини тезлаштиришга қарор қилинди. ГЭСнинг қурилиши қишлоқ ҳўжалиги масмуида Ўзбекистон ва Қoғoзистон учун сув ресурсларининг кафолатли ва барқарор оқиб келишини таъминлайди. Қирғизистон ҳамда минтақа учун арзон ва экологик тоза қайта тикланувчи электр энергияси манбаи яратилади.

Сибёсат ва иқтисодиёт муҳим, аммо халқларни бир-бирига боғлаб турадиган энг мустаҳкам ришта — бу маданият, адабиёт ва маънавият. Икки мамлакатда мунтазам равишда ўтказилаётган «Маданият кунлари», кино ва театр фестиваллари, академик ва талабалар алмашинуви дастурлари икки халқ аҳолиси, айниқса, ёшлар ўртасидаги меҳр-оқибатни мустаҳкамламоқда.

Бутун туркий дунё ва жаҳон адабиётининг фаҳри бўлган буюк қирғиз адиби Чингиз Айтматов мероси Ўзбекистонда ҳам ўта қадрланади. 2028 йилда Чингиз Айтматов таваллудининг 100 йиллиги Ўзбекистонда кенг миқёсда, давлат даражасида нишонланади. Айтматов асарлари ўзбек тилига миллионлаб ададда таржима қилинган ва мактаб дарсликларига киритилган. Унинг 100 йиллиги биргаликда нишонланиши икки қардош халқнинг маънавий бирлигининг рамзига айланади.

Ўзбекистон ва Қирғизистон муносабатларидаги бугунги янги давр шунчаки дипломатик ҳужжатлар ёки расмий баёнотлар йиғиндиси эмас. Бу икки давлат раҳбарларининг узоқни кўзлаган доно сиёсати ва миллионлаб оддий инсонларнинг тинчлик, тўқинлик ва аҳил қўшничилиқда яшаш ҳақидаги асрий орзуларининг яшш-бидир.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида шаклланган ушбу дўстлик ва иттифоқчилик модели бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарорлиги, хавфсизлиги ва гуллаб-яшнаши учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Бахтиёр РАСУЛОВ, Андижон давлат педагогика институти ректори, тарих фанлари доктори, профессор.

Илгор технология ортидаги масъулият

Президентимиз фармонида сунъий интеллект технологиялари, “Business Intelligence” воситалари ва катта маълумотлар таҳлилини давлат молиясини бошқариш тизимига босқичма-босқич жорий этиш вазифаси белгилангани бежиз эмас. Бу газначилиқни фақат тўловларни амалга оширувчи институт эмас, аксинча, молиявий таҳлил, прогноз ва стратегик бошқарув марказига айлантириш мақсадини кўзда тутяди.

Янги Ўзбекистонда барпо этилаётган рақамли давлат моделида сунъий интеллект келажак технологияси эмас, бугундан бошланган тараққиёт йўли сифатида қўрилмоқда. Газначилик тизими эса ана шу йўлда давлат молиясининг интеллектуал бошқарув марказига айланиш сари дадил қадам ташламоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, рақамли технологиялар бугун қўллаб жараёнларни автоматлаштираётган бўлса-да, тизимнинг “юраги” бариб-иринсон бўлиб қолмоқда. Мазкур тизимлар инсон қадрини юксалтириш, оғирини енгиллаштиришга хизмат қилади.

Вақт ўтади. Технологиялар янгиланади. Дастурлар алмашади. Аммо давлат хизматида хос энг юксак қадриятлар — ҳалоллик, масъулият, адолат ва Ватанга садоқат ўзгармайди. Газначилик тизимининг ҳам энг катта қадриятлари айнан шундир ва унга таянади.

Қoғoзнинг шовқини тарих саҳифаларида қолмоқда. Энди давлат молияси рақамлар тилида бошқарилмоқда. Аммо бу рақамларнинг энг катта қиймати улар ортида турган халқнинг ишончи. Буни оқлаш эса Янги Ўзбекистон газначилик тизими зиммасидаги энг улуғ вазифа бўлиб қолаверяди.

Ойгул КАЖАНОВА, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Газначилик қиммати қўмитаси раисининг маънавият ва давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Пахта ва бўғдой етиштирувчи фермерлар 2026 йил 1 апрелдан 1 июлгача биржа савдолари орқали харид қилган дизель ёнилигис нархи 1 тоннаси учун 13 млн. сўмдан қиммат бўлса, ошган сумманинг 2 млн. сўмгача бўлган қисмини давлат субсидия сифатида қоплайди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5 6